

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»**

**фанидан магистрлар учун 8-лаборатория иши**

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА БИЛАН ИШЛАШ**



**ТОШКЕНТ-2007**

Хозирги пайтда «Ахборот технологиялари» фанининг ишлаб чиқаришдаги, жамият ривожланишидаги, илмий, ўқув, ўқув-услубий ишлардаги аҳамияти жуда хам бекиёсдир.

Ушбу услубий қўлланма кундузги бакалавр таълим йўналиши бўйича ўқиётган талабаларга « Ахборот технологиялари» фани бўйича лаборатория ишларини бажаришлари учун мўлжалланган бўлиб уларга замонавий ахборот технологиялари тўғрисида чуқурроқ ва мукамалроқ билимга эга бўлишларига ёрдам беради.

Муаллифлар

т.ф.н. доц. Саттарова М.  
т.ф.н. доц. Файзуллаев С.Х.  
т.ф.н. доц. Турсунов А.У.  
асс. Ақромов А.А.

## ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ- 8 ЭЛЕКТРОН ПОЧТА БИЛАН ИШЛАШ.

**Ишдан мақсад:** Электрон почта (ЭП) билан ишлашни, ЭП очишда руйхатдан ўтиш, хат ёзиш, келган хатларни ўқиш, файлларни ва қабул қилишни ўрганиш.


### Вазифа.

1. Ўзингиз учун ЭП адреси яратишни, маълум ЭП адресига хабар ёзишни ва жўнатишни ўрганинг.
2. Келган хабарларни ўқиш ва жавоб ёзишни ўрганинг.
3. Хабар билан бирга файлларни жўнатиш ва келган хабарларни ўчириб ташлашни ўрганинг.

### Назарий қисм.

Internet нинг қулай соҳаларидан бири ЭПдир. ЭП компьютерлардан ўзаро маълумотлар айирбошлаш мақсадида компьютер тармоғига бирлаштиришдир. ЭП дан фойдаланувчилар сони кундан - кун ошиб бормоқда. ЭП орқали хат жўнатиш оддий почта орқали жўнатишдан арзон, ҳам тез амалга оширилади (бир неча дақиқаларда). Масалан: оддий почтада хатни сараланиб керакли жойга юборилади. Бунга бир неча кун кетади. ЭП хатни компьютерда жўнатиб бир неча дақиқада жавоб ҳам олиш мумкин.

ЭП-бу хабарларни узатувчи глобал тармоқ. ЭП орқали фақат матнларни эмас, балки расм, гафика, видео, товушлардан ташкил топган маълумотларни жўнатиш ва қабул қилиш мумкин.



Ҳозирги кунда ЭП- нинг фойдаланиши учун кўплаб дастур ишлаб чиқилган. Жумладан MS Exchange, MS Mail, MS Outlook Express, Internet Mail дастурларидир. ЭП дан стандарт адреси шаклида жўнатилиши лозим. М: [rustam1980@rambler.ru](mailto:rustam1980@rambler.ru), [nosir\\_u@yandex.ru](mailto:nosir_u@yandex.ru), [Umida@mail.ru](mailto:Umida@mail.ru). Бу ерда @ белгиси (эйт деб ўқишда) чап тарафдаги абонент номидан чап тарафдаги домендан ажратиб туради. Катта ҳажмдаги файллар ўзларини бошланғич ҳолатларида жўнатилмайди.

SMTP интернет орқали почта узатиш баённомасидир.

<http://www.msn.com/>

ЭП дан фойдаланишдан олдин фойдаланувчи ЭП адреси очаётган сайтдан рўйхатдан ўтиши керак. Рўйхатдан ўтишда фойдаланувчидан ўзи ҳақида умумий маълумотлар, абонент номи (логин, имя), ЭП адрес пароли сўралади. Маълумотлар тўлдирилгандан кейин рўйхатнинг ўтиш буйруғи кўрсатилади. Абонент номида лотин харфлари, символлар, сонлар ишлатилиши мумкин. Агар абонент номи серверда олдин яратилган бўлса, бундай номли адресни кўрсат деган маълумот чиқади. У ҳолда логин ўзгартирилиши керак. ЭП очилгандан кейин асосий тўртта папка мавжуд.

1. Черновики - ёзилган, лекин жўнатилмаган хабарлар жойлашади.
2. Входящие - келган хабарлар жойлашади.
3. Отправленные - жўнатилган хабарлар сақланади.
4. Удаленные - ўчирилган хабарлар сақланади.

Агар фойдаланувчи хабар жўнатмоқчи бўлса, менюдан написать письмо буйруғи берилади. Кейин жўнатиш саҳифаси пайдо бўлади ва керакли хабар терилади.

1. Кому - хабар жўнатилаётган ЭП адреси кўрсатилади.
2. Копия - хабар яна қайси ЭП адресларга йўналиши керак бўлса ишлатилади.
3. Тема- хабар мавзуси ёзилади.


Кейин хабар клавиатурада терилиб, Отправить Письмо буйруғи берилади. Агар файл жўнатмоқчи бўлсак Обзор тугмаси босилиб керакли файл кўрсатилади ва жўнатилади.

Келган хабарни ўқиш учун Входящие папкасига кириб, келган хабарни ўқиш мумкин. Адресная книгада ЭП адреслари сақланади.

Электрон почта билан ишлашнинг схемаси қуйидагилардан иборат:

Фойдаланувчи узи танлаб олган провайдерга мурожаат қилади, ундан рўйхатдан ўтиб электрон почтанинг адресини олиши мумкин. Провайдер серверида чиқувчи ва кирувчи хабарларни йиғиб олувчи фойдаланувчининг почта қутичаси ташкил этилади. Ўз навбатида фойдаланувчининг почта программасини ўзида тўрт хил папкаси ташкил қилинади. Булар:

- Входящие ( кирувчи );*
- Исходящие ( чиқувчи );*
- Отправление ( Юборилган );*
- Удалённые ( Ўчирилган ).*



Internet Mailда учта асосий операцияларни ( харакатни ) ажратишимиз мумкин:

1. Чиқувчи хабарни (хатни) тайёрлаш.
2. Почтани манзилига етказиш.
3. Кирувчи хабарни ўқиш.

“Исходящие” папкасида сиз ёзган ( лекин хали юборилмаган ) хатлар тўпланади.

“Доставить почту” ( Почтани манзилга етказиш ) буйруғи билан бу хатлар почтали серверга узатилади (ўша захоти Исходящие папкасидан ўчирилади), лекин уларнинг нусхаси “Отправление” папкасига жойлаштирилади.

Юкорида айтиб ўтилган папкалардаги хабарларни Удаленные ( Ўчирил - ган ) папкасига ўтказиш мумкин ва зарурият туғилганда қайта тикланади. Хабарларни бир папкадан иккинчи папкага кўчириш мумкин ( Пункт меню [Сообщение] ).

Хабарлар билан боғлиқ операцияларнинг хаммаси Windows стандартига амал қилади. Биз фақат Internet Mail нинг принципиал хусусиятларини кўриб чиқамиз. Эслатма. Хар хил почта мижозларида папкалар сони ва уларнинг номлари фарқланиши ўрнига ўрнатилиши мумкин. Масалан, Входящие ва исходящие папкалар ўрнига In ва Out, Удаление ёки Корзина ва бошқалар.

### Ишни бажариш тартиби.

1. ЭП адреси яратиш ([www.Rambler.ru](http://www Rambler.ru), [www.mail.ru](http://www.mail.ru))
2. Маълум ЭП адресига хабар ёзиш ва жўнатиш
3. Келган хабарларни ўқиш ва жавоб ёзиш
4. Хабар билан бирга файлларни жўнатиш
5. Келган хабарларни ўчириб ташлаш
6. ЭПдан чиқиб кетиш

Хисобот куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Ишнинг мақсади ва вазифаси.
2. Берилган топшириқлар.
3. Ишнинг назарий қисми.
4. Ишни бажариш бўйича хисобот.

#### А Д А Б И Е Т Л А Р

1. Ю. Шафрин. «Информатика. Информационные технологии». В двух частях. М.: Лаборатория базовых знаний. 2000.
2. М. Пайк и др. Internet С.-Петербург. 1995. 635 с.
3. К. Стинсон, К. Зихерт Эффективная работа в Microsoft Windows 2000. СПб: Питер. 2002. 864 с.
4. Дж. Куртер, А. Маркви. MS Office 2000: Учебный курс. Пер.с англ.С.Танбовского. СПб: Питер. 2002. 640 с
5. Фаронов В.В. Турбо Паскаль 7.0. Начальный курс. Учебное пособие. – М.: Нолидж. 1999.
6. А.Р. Марахимов, С.И. Рахмонкулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари / Ўқув қўлланма. Тошкент. 2001.

#### **Кўшимча адабиётлар.**

1. Фигурнов В.Э. IBM PC для пользователя. 7-ое издание - М: Финансы и статистика.,1998.
2. Кенин А. IBM PC для пользователя. - М: Ард-лтд, 1997. 496 с.
3. А. Файсман. Профессиональное программирование на Турбо Паскале. 1992.
4. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари. ЎзМУ. 2000. 126 б.
5. Б. Фок. Internet сначала. Питер:1995. 250 с.